

(Майда хикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак)

Майда хикоялар устаси Чехов сўз тўғрисида келганда хаддан ташқари ҳасис, ортикча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қилади. Ўзи айтади: Майда хикоялар ёзганда сўзни ортикча исроф қилгандан кўра керакликларини ҳам мумкин қадар озрок ишлатиш керак». Унинг хикояларида сўз исрофгарчилигига сабаб бўладиган ортикча деталлар ҳам бўлмайди. У бутун деталларни ўзи айтган асосда ишлатади. «Биринчи кўринишда милтик бўлса, шу милтик учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта отилиши керак, йўкса милтик тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир».

Унинг «[Букаламун](#)» хикояси ҳам бошқа хикояларидай гоят сиқик, қуюқ ёзилгандир. Унинг сўзга ҳасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни, айтмоқчи бўлган фикрининг тушунилишини оғирлаштирмайди. «Букаламун»да воқеа йилнинг қайси фаслида бўлаётгани айтилмайди, аммо бундаги сўзлардан фаслни аниқлаш мумкин (Албатта, бу сўзлар йилнинг фаслини билдириш учунгина келтирилмайди). «Пальтомни еч-чи, Елдириш... Кун жуда исиб кетди... ёмғир ёғса ҳам ажаб эмас».

Қуйидаги сўзлардан воқеа тушки овқатдан кейин бўлаётганини ҳам билиб бўлади: «Теварак жим. Майдончада ҳеч ким кўринмайди. Дўкон ва ковокхоналарнинг эшиклари очик. Хувиллаб турадилар. Бу эшиқлар ёнида гадоё у ёқда турсин, бир зог ҳам кўринмайди».

Мана булар икки мақсад кўзда тутилиб айтилган сўзлар бўлиб, иккинчи мақсад мантикий равишда биринчисидан келиб чиқади.

Деталлар (воқеани ташқил этган воқеачалар) ҳам ёлғиз қолиб, кераксиз сўз бўлиб қомайди. Масалан, хикоянинг бошида «Очумелов янги шинель қийган», дейилган экан, бу нарироққа бориб, шинелнинг ечилиши, яна қийилиши билан боғланади.

Хрюкиннинг ўнг қўлини юқорига қўтариб, халойикка қонаган бармоғини кўрсатиши, унинг: «Энди, шу мажруҳ бармоғим билан эҳтимолки бир ҳафта ишга ярамасман», деган арзи Очумеловнинг: «Сен аҳмоқ, қўлингни тушир! Айб ўзингда!», деб қичқириши билан боғланган.

Хикояни «серсув» (қўп сувли) қиладиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумеловнинг «Букаламун» эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилмаса, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов буни ўзи айтиб бермасдан, Очумеловнинг ўз сўзи билан кўрсатади.

Очумеловнинг дастлабки фикри:

— «Итти ўлдириш керак, қутурган бўлса ҳам ажаб эмас».

Ит генералга қарашли, дейилгандан кейин:

— «Ит нозик, сен ҳўқиздай, бўйингга қара!» Яна, ит генералники эмас, дейилгандан кейин:

— «Генералнинг итлари қимматбаҳо нарсалар эди. Бу бўлса, эгасиз дайди итга ўхшайди. Эпақалик юнги ҳам йўқ. Шундай бемаъни итти ҳам саклайдимки киши!»

Яна, ит генералники, дейилгандан кейин:

— «Балки қимматбаҳо зотли итдир».

Ошпаз, ит генералники эмас, дегандан кейин:

— «Бу эгасиз дайди ит».

Ит генералнинг укасига карашли экани маълум бўлганда:

— «Яхшигина ит кўринади. Улгунча югурдак кўринади».

Мана бу диалогларга авторнинг ҳеч қандай изоҳи керак эмас. Бу диалоглар ҳам воқеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Очумеловни характерлайди.

Чехов услубидаги айрим хусусиятни сезган Л. Толстой бундай дегаи эди: «Чеховнинг импрессионистларга ўхшаган ўзига хос формаси бор... Яқиндан карасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир-бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганга ўхшайди, аммо узокроқдан карасанг, бу бўёқлардан ажейиб бир манзара вужудга келганини кўрасан».

Толстойнинг бу сўзи Чеховнинг ўз сўзига жуда мос келади. У дейди: «Табиатни тасвир қилишда майда бўлақлар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки. ўқиб кўзингни юмганинда кўз олдинга бир манзара келсин».

« [Букаламун](#) » ҳикоясининг бирон сўзини чиқариб ташлаш ёки бирон сўзни кўшиш мумкин бўлмаганлиги, сўзга нақадар диққат қилинганлигини кўрсатади.